



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Рақамли иқтисодиётда меҳнат унумдорлигини оширишнинг моҳияти ва зарурати

Усманов Самат Ахсанович

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

Ўзишмалар учун электрон почта: uzminprom@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 20.09.2022

Қабул қилинган вақти: 01.10.2022

Таянч сўз ва иборалар: меҳнат унумдорлиги, рақамлаштириш, даражанинг ошиши, саноат, стратегия.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида меҳнат унумдорлигини оширишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш юзасидан давлат томонидан амалий ишлар олиб борилаётганлиги ва бу борада тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинаётганлиги, ушбу йўналишни жадал ривожлантириш мақсадида ўрта ва узоқ муддатли мақсадлар қўйилаётганлиги ёритилди. Иқтисодиётда меҳнат унумдорлигини ошириш йўналишида тегишли таклифлар берилди.

The essence and necessity of increasing labor productivity in the digital economy

Usmanov Samat Akhsanovich

Ministry of Economic Development and Poverty Reduction

Corresponding author: email: uzminprom@gmail.com

ARTICLE INFO

Received: 20.09.2022

Accepted: 01.10.2022

Key words: labor productivity, digitization, improvement of staff qualifications, industry, strategy..

Abstract

The article highlights the practical work carried out by the state on the widespread use of digital technologies in increasing labor productivity in the economy of Uzbekistan and the adoption of relevant legislative documents in this regard, medium and long-term goals are set in order to further develop this direction. Appropriate proposals were made for the further development of this direction of the economy.

Кириш

Бугунги кунда давлат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва меҳнат унумдорлигининг барқарор иқтисодий ўсиши масаласи бутун дунёда жуда долзарбдир. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида меҳнат унумдорлигининг паст кўрсаткичи давлат ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизимининг умумий самарадорлигига таъсир қилади, чунки меҳнат унумдорлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезонидир. Янги технологик тартибга ўтиш шароитида инновацияларни фаол яратиш ва амалга ошириш, меҳнат унумдорлигининг роли ва аҳамияти айниқса долзарб бўлиб қолади,

чунки унинг даражасига технологиялар комплекси ва рақамли технологияларни жорий этиш самарадорлиги таъсир этади.

Замонавий иқтисодий ривожланиш инсон тажрибаси ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган "янги" рақамли иқтисодиётга ўтиш билан белгиланади. Шунинг учун бугунги кунда меҳнат ресурсларини самарали бошқариш ҳамда ривожлантириш бизнес тузилмалари ва айниқса саноат корхоналари учун асосий вазифага айланмоқда. Аммо, аксарият замонавий корхоналар меҳнат ресурсларини самарасиз бошқариш туфайли ўз ходимларининг салоҳиятини тўлиқ баҳолай олмайдилар, шунингдек, рақамли иқтисодиёт ва доимий ўзгарувчан ташқи муҳит шароитида объектив

сабабларга кўра эскирган усуллар ва баҳолаш воситаларидан фойдаланиш мақсадсиз бўлиб қолмоқда.

Макро даражада меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи нафақат инсон капиталини жамият хизматлари самарадорлигига, аҳолининг ҳаёт сифатига, саноатнинг рақобатбардошлигига, саноатнинг ривожланиш суръатларига сарфлашни тавсифлайди, балки техник, технологик ва бошқарув қарорларини қабул қилиш кўрсаткичидир. Меҳнат самарадорлиги ва натижадорлигининг ўсиш омилларидан малакали фойдаланиш, давлат ва унинг ҳудудларини мувозанатли иқтисодий ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади

Микро даражада меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи саноат корхонаси фаолиятининг асосий кўрсаткичидир, чунки у меҳнат харажатлари натижадорлиги ва самарадорлиги, иш ҳақи даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини тавсифлайди.

Юқоридагиларга асосланиб, рақамли иқтисодиётда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини ўрганиш, уни баҳолаш усуллари, ушбу кўрсаткични ўлчаш ва прогноз қилишнинг янги тизим воситаларини излаш замонавий жамиятда, рақамли технологиялар ва инновациялар асрида ўз аҳамиятини йўқотмаган деган хулосага келиш мумкин. Самарали меҳнат унумдорлиги жамиятнинг ривожланиши ва иқтисодиётни рақамлаштириш билан бевосита боғлиқ. Саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, методологик ҳисобларни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш, шунингдек меҳнат унумдорлигини прогноз қилиш концепцияси бугунги даврда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Категориал аппаратни, меҳнат унумдорлигининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари Р.В.Бабурова, Р.В.Гаврилова, В.Я.Горфинкель, А.В.Золотова, Н.А.Морозова, Л.А.Костина, П.Э.Шлендера, В.Е.Адамова, Д.Ильенкова, Т.П.Сиротина, В.В.Кочеткова, А.Н.Елина, А.К.Гастева, П.М.Керженцева, А.Я.Кибанова, В.М.Маслова ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Меҳнат унумдорлигини режалаштириш, прогнозлаш, бошқариш тушунчалари ва механизмлари Н.В.Андрианова, О.А.Назмеева, Р.В.Гаврилова, Л.Т.Печена, А.В.Побиянска ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Рақамлаштириш ва янги технологиялардан фойдаланиш шароитида меҳнат унумдорлигини ўлчашнинг замонавий муаммолари А.Н.Андрухович, В.В.Аранжин, Е.В.Балацкий, А.А.Гершанок, Н.В.Городнова, Ю.В.Долженкова, М.Н.Дудина, Л.А.Костина, М.А. Масыч ва бошқаларнинг ишларида келтирилган.

Иқтисодиёт нафақат дунё глобаллашув шароитида меҳнат унумдорлигининг моҳияти ва аҳамиятини, балки ушбу иқтисодий тоифа келиб чиқишини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Меҳнат унумдорлиги прототипининг илк шакли классик иқтисодиётдир. XVIII асрда меҳнат унумдорлигини ўлчаш ғоялари хусусий мулк дахлсизлиги, савдо ва тадбиркорлик эркинлигига асосланган иқтисодий либерализм концепциясига асос солинган. Меҳнат унумдорлигининг методологик жиҳатлари А.Смит ва Д.Рикардо томонидан яратилган, лекин ҳозиргача бу мезоннинг моҳиятини иқтисодий категория сифатида турлича талқин этувчи олимлар ўрганишда давом этмоқда.

А.Смитнинг фикрича, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, жумладан, меҳнат тақсимооти мамлакат фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлиги ўсишининг сабаби (омили) бўлади.

А.Смит меҳнат тақсимооти меҳнат унумдорлигини уч йўл билан оширади, деб ҳисоблаган:

ҳар бир алоҳида ишчининг эпчиллигини ошириш;
фаолиятнинг бир туридан бошқасига ўтишда вақтни тежаш;

инсон меҳнатини енгиллаштирадиган машиналарни ихтиро қилиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш¹.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланишида, шунингдек, меҳнат тақсимоотида иқтисодий шахс, яъни бозор шароитида ўз меҳнатидан ёки ўз ресурсларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадиган шахс муҳим роль ўйнайди. Ўзининг табиатига кўра у оқилона ва худбиндир, шунинг учун у ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда бошқа шахсларга қараганда камроқ куч, ресурс ёки вақт сарфлайдиган фаолиятни амалга оширади, яъни у меҳнат унумдорлиги бошқаларга қараганда юқори бўлган фаолият соҳасини танлайди. Аммо, одамларнинг эҳтиёжлари доимий равишда ўсиб бориши сабабли, уларни қондириш учун одам бошқа одамлар билан алоқада бўлиб, алмашинувни амалга ошириши керак, чунки у ушбу маҳсулотни сотиб олиш учун уни ишлаб чиқаришдан кўра камроқ маблағ сарфлаши керак бўлади. Бу “иқтисодий одам”нинг алмашинувга табиатдан мойиллигини тушунтириши мумкин.

Машина ишлаб чиқариш мисолида А.Смит томонидан тузилган меҳнат тақсимооти назариясига кўра, ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмига самарали меҳнат билан шуғулланадиган аҳолининг улуши ва меҳнат унумдорлиги даражаси таъсир қилади².

Классик иқтисодий назария доирасидаги меҳнат унумдорлиги назарияси Д.Рикардо томонидан янада ривожлантирилди. У меҳнат унумдорлигини ўзини қиёсий устунлик қонунининг асосий қисми деб ҳисобларди.

Д.Рикардо мамлакат ишлаб чиқаришда фақат мутлақ устунликка эга бўлган маҳсулотларни экспорт

1 Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Издательство: «Соцэкгиз», 1962. 684 с

2 Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.:

Соцэкгиз, 1962. 684 с

қилиши мумкин деб ҳисоблаган А.Смитнинг қарашларидан фарқли ўлароқ, агар мамлакат ҳеч нарсада мутлақ устунликка эга бўлмаса ҳам, савдо фойдали бўлиши мумкинлигини аниқлади. Бунинг учун ҳар бир мамлакат ишлаб чиқаришда ўз корхоналаридаги меҳнат унумдорлиги бошқа мамлакатлардаги ўхшаш корхоналардаги меҳнат унумдорлигидан юқори бўлган товарларни ишлаб чиқариши ва экспорт қилиши кифоя. Ушбу қонун ҳар бир мамлакатни халқаро савдо орқали ўз фуқароларининг фаровонлигини ошириш учун ўз ихтисослашув соҳасини излашга ундайди³.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ва инсон ресурсларини бошқариш масалалари ҳам фаол ўрганилмоқда. Хусусан, Ф.У.Тейлор биринчи марта меҳнат унумдорлигини бошқаришга илмий ёндашувни жорий қилди, бу иш вақтидан фойдаланишнинг рационаллигини ҳам, меҳнат интенсивлигини ҳам асослашга имкон берди⁴.

Илмий нуқтаи назардан меҳнат унумдорлигини моҳияти ва ўлчаш масалалари Г.Форд, Ф.Б.Гилбрет, Г.Л.Гант, Г.Эмерсон. Мисол учун, Г.Л.Гант меҳнат ресурслари ва иш вақти самарадорлиги ҳақидаги тадқиқотлари натижасида диаграмма яратди ва ҳозирги вақтга қадар тайм-менеджментдан (вақтни бошқариш) фаол фойдаланилиб келинмоқда.

Дж.М.Кейнс иқтисодий назарияси ҳам меҳнат унумдорлиги масалаларини ўрганган. Дж.М.Кейнс, хусусан, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун давлат бандлик даражасини ошириши ва иш кунини қисқартириши кераклиги, ўз навбатида ишчилар эса бўш вақтни ўз-ўзини ривожлантириш ва интеллектуал салоҳиятни ошириш учун ишлатиши мумкинлигини айтган⁵.

1920 йилларнинг бошидан бошлаб маҳаллий амалиётда категориал аппарат фаол муҳокама қилинди ва бугунги кунда илмий мунозаралар ҳисоб-китоблар, меҳнат унумдорлиги усуллари билан бирга келтирилмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат унумдорлигини оширишнинг моҳияти ва зарурати ўрганилди, тадқиқот методологияси асосини диалектик метод ҳамда тизимли ёндашув ташкил этди. Саноат корхоналарида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рақамли трансформация иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан биридир. Бугунги кунда бутун дунё меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодиёт ва

рақобатбардошликни ривожлантиришга қаратилган “саноат 4.0” деб номланган янги саноат инқилоби арафасида.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишига қулай шарт-шароитларни яратиш учун меҳнат унумдорлигини бошқаришда турли хил назарий ва услубий ёндашувларни қўллаш, яъни мамлакат аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш, энг кам иш ҳақини ошириш, корхоналарни янги технологиялар ва инновацияларни жорий этиш ва такомиллаштиришга рағбатлантириш зарур, бу меҳнат унумдорлигининг сифати

ва динамикасини яхшилашга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда янги технологик, бошқарув ва кадрлар асосида меҳнат унумдорлигининг ўсиши учун шароит яратишга зарурати мавжуд.

Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишларидан бири бу саноат соҳасини юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлашга қаратилган.

Иқтисодиётга рақамли технологиялар ютуқлари фаол жорий этилаётгани, уларнинг имкониятларидан фойдаланиб, маҳаллий корхоналарнинг меҳнат унумдорлигини янада ошириш мақсадида қатор инновацион жараёнлар амалга оширилмоқда.

Иш сифати ва унумдорлигига бўлган талаб ортиб бориши, маҳаллий корхоналарнинг аксарият ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш ва такомиллаштириш имконини берадиган замонавий инновацион ахборотлаштириш тизимларни жорий этиш орқали, меҳнат унумдорлигини ошириш иқтисодиётимиз олдида муҳим вазифа қўймоқда.

Бу борада республикамізда иқтисодиётни рақамлаштиришни амалга ошириш учун тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” Қонуни (20.08.1999 йилдаги ЎРҚ-822-I-сон);

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” Қонуни (11.12.2003 йилдаги ЎРҚ-560-II-сон);

3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” Қонуни (11.12.2003 йилдаги ЎРҚ-562-II-сон);

4. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” Қонуни (29.04.2004 йилдаги ЎРҚ-611-II-сон);

5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” Қонуни (09.12.2015 йилдаги ЎРҚ-395-сон);

6. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” Қонуни (15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси

³ П.Е.Солопов Теории производительного и непроизводительного труда как отражение процесса развития социально-экономических отношений: дис. ... канд. экон. наук : 08.00.01 / Солопов Петр Евгеньевич. Москва, 2004. - 142 с.

⁴ Ф.У.Тейлор Принципы научного менеджмента / пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 1989. - 104 с.; А.Н.Сорочайкин,

И.А.Сорочайкин Знания и рост производительности труда (концепция П.Друкера - Ф. Тейлора) // Журнал Самарского государственного университета. - 2011. - №10. - С. 15-21

⁵ Тимошкова М.В. Рассмотрение экономического учения Дж. М. Кейнса // Modern science. - 2020. - №10-2. - С. 152-162

Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган.

Ушбу Фармон билан тасдиқланган “Йўл харита”га мувофиқ, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чоралари сифатида, саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, “Буюмлар интернет”, “Сунъий интеллект” каби технологиялар жорий этиш белгиланган.

Фармон талабларига мувофиқ мамлакатимизда саноат корхоналарида мазкур технологияларни жорий этиш ҳолати бўйича 31 та саноат корхоналарида ўрганишлар ўтказилган.

Унга кўра, ўрганилган саноат корхоналарида жами 103 та жараёнларни автоматлаштириш ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳалари мавжуд бўлиб, уларнинг 65 та лойиҳаси якунланган, 38 тасида амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

Якунланган лойиҳалар асосида SCADA, ERP тизимлари, электрон ҳужжат айланиш тизими, CAS (электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими), металл қайта ишлаш технологик жараёнларини автоматлаштирилган тизимлари жорий қилинган⁶.

Ислохотларни давом эттириш мақсадида,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги


ПҚ-4996-сон “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш, уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган ҳамда уларга мувофиқ қуйидагилар тасдиқланган:

1. 2021-2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури;


2. Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалар рўйхати:

қишлоқ хўжалиги соҳасида
банк соҳасида
молия соҳасида
солиқ соҳасида
транспорт соҳасида
энергетика соҳасида
соғлиқни сақлаш соҳасида
фармацевтика соҳасида
электрон ҳукумат соҳасида

1-расм. Рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши (%)



2-расм. Рақамли иқтисодиётнинг ўсиш динамикаси (млрд. сўм)



⁶ Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиши вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Хулоса ва таклифлар

Илмий изланишлар натижасига таяниб, меҳнат унумдорлигининг моҳиятини мураккаб икки томонлама ҳодиса сифатида талқин қилиш таклиф этилади:

- меҳнат фаолиятининг унумдорлиги;
- меҳнатдан фойдаланиш самарадорлиги, шунингдек меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва баҳолаш тартибини кўриб чиқиш.

Мавжуд ёндашувлар ва таърифларга кўра меҳнат унумдорлиги омиллар ва шарт-шароитларнинг комбинацияси билан бевосита таъсир кўрсатадиган ва вақт бирлигида ходим томонидан қанча маҳсулот ишлаб чиқарилишини кўрсатадиган кўрсаткич ҳисобланади.

Аниқлаштирилган таъриф аниқ моддий-техник ва ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш шароитларининг ўзаро таъсири билан меҳнат унумдорлигининг шартлилигини кўрсатиб беради ва уларнинг мураккаб таъсири остида ҳар бир объект учун меҳнат унумдорлигининг шаклланиши амалга ошиб боради.

Меҳнат унумдорлиги бир неча кўринишларга эга деб ҳисоблаймиз:

- бир birlik маҳсулот харажатларининг пасайиши сифатида намоён бўлган меҳнат унумдорлиги иш вақти шунингдек ресурсларни (хом ашё, материаллар, энергия) тежашни кўрсатади.

- вақт birlikига истеъмол қийматлари массасининг кўпайиши сифатида намоён бўладиган меҳнат унумдорлиги нафақат ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонининг кўпайишини, балки унинг сифатини ҳам оширишни англатади. Шунинг учун маҳсулот сифати ва миқдорини яхшилаш учун ишлаб чиқарувчи қувватга ва самарадорликга эътибор қаратиши зарур.

- капитал интенсивлиги ва меҳнат интенсивлиги нисбати ўзгариши сифатида намоён бўладиган меҳнат унумдорлиги, агар ишлаб чиқариш жараёнида жонли меҳнатга нисбатан машина меҳнати кўпроқ ишлатилса, унда меҳнат унумдорлигини ошириш салоҳияти

ва захиралари анча юқори бўлишини англатади.

Меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг классик формулаларида асосий эътибор бир ходим томонидан вақт birlikига маҳсулот ишлаб чиқаришини оширишга қаратилган бўлса, замонавий таърифлар рақобатбардошлик ва маҳсулот сифатига қаратилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, меҳнат унумдорлигини ошириш учун қуйида кўрсатилган таклифлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини ҳисоблашнинг миллий методологиясини ишлаб чиқиш;

саноат тармоғида ўрта-юқори ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар улушини ошириш;

ходимнинг меҳнат унумдорлигидан келиб чиқиб меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш шаклларида фойдаланиш даражасини ошириш;

республикада меҳнат унумдорлигини ошириш ва бу борадаги халқаро ҳамкорлик алоқаларини олиб

боришни тизимли равишда йўлга қўйиш.

Шу билан бирга республикамизда яқин келажакда иқтисодий рақамлаштириш ислохотларини давом эттириш устувор вазифа бўлиб қолиши натижасида, меҳнат унумдорлигининг ошиши ўрта ва узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларга эришиш, импорт ҳажмини қисқартириш, экспорт ҳажми ва географиясининг кенгайиши, бошқа ҳамроҳ йўналишлар ривожланиши, ЯИМ ҳажмида рақамли иқтисодий улушининг ўсишига тўртки бўлиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. А.Смит Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Издательство: «Соцэкгиз».

2. В.М.Козырев Адам Смит: его роль в становлении экономической науки // Вестник РМАТ. - 2012. - №2.3.

3. П.Е.Солопов Теории производительного и непроизводительного труда как отражение процесса развития социально-экономических отношений: дис. канд. экон. наук: 08.00.01/ Солопов Петр Евгеньевич. Москва.

4. Ф.У.Тейлор Принципы научного менеджмента / пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 1989. - 104 с.; А.Н.Сорочайкин, И.А.Сорочайкин Знания и рост производительности труда (концепция П.Друкера - Ф.Тейлора) // Журнал Самарского государственного университета. - 2011. - №10.

5. М.В.Тимошкова Рассмотрение экономического учения

Дж.М.Кейнса // Modern science. - 2020. - №10-2.

6. Электрон манба: Lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.